



КЕЛАЖАК УЧУН ЭНГ КАТТА ИНВЕСТИЦИЯ

ЁШЛАР, ШУБХАСИЗ, ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ. БУГУН УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ДАВОМ ЭТСАК, ДАРД-У ТАШВИШЛАРИГА, ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТСАК, НАФАҚАТ ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН, БАЛКИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЕТУҚ, ТОМИРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ЖЎШИБ ТУРГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАСАК, ЭРТАНГИ КУНИМИЗДАН, ЭЛ-У ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ, ХОТИРЖАМ ТОРТАМИЗ. АКС ҲОЛДА-ЧИ? ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ 60 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ МАЗКУР ҚАТЛАМ БИЛАН ИШЛАШДА ОЗГИНА БЕПАРВОЛИК ВА БИР ЛАҲЗАЛИК ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК ҲАМ, АВВАЛО, ЎЗИМИЗГА ҚИММАТГА ТУШАДИ.

ЁШЛАР УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ, ТИНЧЛИКНИ КАФОЛАТЛАШДАН БОШЛАНАДИ. АЙНИҚСА, ҲОЗИРГИ МУРАККАБ ВА ТАҲЛИКАЛИ ДАВРДА БУ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ДОЛЗАРБ. АХИР БУГУН ЕР ЮЗИНИНГ ҚАЙСИДИР БУРЧАКЛАРИДА ҲАР БИР ТОНГНИ КЎРҚУВ БИЛАН ЭМАС, ХУШНУДЛИК БИЛАН КУТИБ ОЛИШ ҚАНЧА-ҚАНЧА ЁШЛАРНИНГ ОРЗУСИ.

► (Давоми 2-бетда)



АКС-САДО

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ХАЛҚНИНГ ҲАҚИҚИЙ "ОВОЗИ"ГА АЙЛАНАДИ

Янги Ўзбекистон 2030 йилга бориб қандай қиёфа касб этиши, одамларнинг турмуш фаровонлиги қай даражада ўсишини тасаввур қилиш, назаримизда, бугун қийин эмас. Чунки мақсад ва режалар аниқ, ислохотлар шиддатли, қадамлар илдам, натижалар узоқ куттирмайди. Ҳозирда ноқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган шу омиллар ҳар бир юртдошимиз қалбига келажакка нисбатан юксак ишонч туйғусини уйғотмоқда.

2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш, 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш, мактаб битирувчилари камида 2 та хорижий тил ва 1 та касб-ҳунар эгаллашини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳоли, шу жумладан, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун барқарор даромад манбаини яратиш орқали ишсизлик

даражасини 7 фоизгача тушириш, ҳудудларда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш, электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 100 фоизлик маррага кўтариш... Рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Улар қаторида яна бир эзгу мақсад бор. У ҳам бўлса "Ўзбекистон – 2030 стратегияси"да белгиланган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам "овози" га айлантиришдир.

► (Давоми 4-бетда)

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ



ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ЎЗ ПОЗИЦИЯСИДА ҲАМИША ҚАТЪИЙ

2025 йилнинг яримини босиб ўтдик. Жорий йилга мўлжалланган режалар бисёр. Ҳаммасига улғуриш, вақтида ниҳоясига етказиш керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти ҳам айни шу мезонларга мос равишда ҳамиша қизғин ва қайноқ. Қонун лойиҳалари муҳокамаси, ҳудудлардаги ўрганишлар, сайловчиларнинг мурожаатлари билан ишлаш, сўровлар юбориш, эшитувлар, турли тадбирлар, сиёсий жараёнлардаги фаоллик. Депутатлар, хусусан, фракциялар учун эса қонун лойиҳаларининг мазмуни, қонунчилигимизни электронтан манфаатларига мос равишда такомиллаштирилиши ҳаммиша устувордир.

► (Давоми 3-бетда)

2025 ЙИЛ - АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА "ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ" ЙИЛИ

Табиатнинг мунгли ҳайқирғи

Тасаввур қилинг. Гўзал тоғ ён-бағридасиз, нафис ҳиди уфуриб турган гиёҳлар узра капалаклар ўйноқлаб учаяпти. Бир ёнингизда жилвагар сой шарқираб оқмоқда. Сув шунчалар шаффофки, остидаги ҳар бир тошнинг рангию шакли яққол кўриниб турибди. Осмонда қушлар эркин парвоз қиляпти. Узоқда она оху болалари билан ўтлаб юрибди.



Майин эсган шаббодада дарахт барглари сирли тебранади.

Атрофингиздаги бу бетакдорлик ва сизнинг орангиздаги уйғунликка,

илоҳий яқинликка раҳна солувчи тўсиқ йўқ. Бирок шу пайт узоқдаги улкан иншоотнинг кўкка чўзилган мўриларидан чиқаётган тўтунга кўзингиз тушади. Бу иншоотга яқинлашганингиз сари нафасингиз қисади, қуруқ йўтал тута бошлайди. Автомашиналар-у тезулар поездларнинг овози қўлоғингизга чалиниб, табиат ва сизнинг ўртангиздаги яқинлик тумандай тарқаётганини сезасиз. Ён-атроф бирдан қоронғу, совуқ, бефайз манзара касб этади...

► (Давоми 6-бетда)

ТЕЛЕФОНДАГИ ТУЗОҚ

Рақамли технологиялар асрида яшяпмиз. Дунё шу қадар тез ўзгармоқдаки, инсон бор-йўғи 3-4 та кодлар-у паролларга боғланиб қолди. Ҳозирда устунлигимиз ва ожизлигимиз ҳам шу рақамларда. Кодларингиз, паролларингиз, умуман, рақамларингизни асранг. Ишонинг, улар ҳозир исмингиз каби аҳамиятлидир. Чунки ҳозирги замонавий дунёда кўпайиб бораётган жиноятлардан бири - рақамли фирибгарликдир. Ҳаттоки, сиз уларни кўрмайсиз ҳам. Улар олдингизга келиб чўнтагингизга қўл солмайди, узоқда туриб, ҳисобингиздаги пулларга кўз олайтиради.



► (Давоми 7-бетда)

СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

КЕЛАЖАК УЧУН ЭНГ КАТТА ИНВЕСТИЦИЯ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

30 июнь – Ёшлар кунинда Халқаро конгресс марказида Президентимиз фаол, турли соҳаларда пешқадам йигит-қизлар билан ўтган учрашувда тинчлик – энг буюк неъмат, инсон қадрини ва адолат – энг олий қадрият экани ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этилаётганини таъкидлагани бежиз эмас. Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ўсиб келаётган авлод учун халқаро меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб имкониятлар тақдим қилиш ўз-ўзидан бўлмаётганини ҳар биримиз яхши англаб турибмиз. Шундай шароитда ёшларимиз ҳам интеллектуал салоҳияти, азму шижоати, турли соҳаларда иқтидори, кашфиёт ва оламшумул ютуқлари билан жаҳон майдонини янги ўзбекистон танлаган йўл улуғ мақсадларга, улкан марраларга олиб чиқишига ишончини тобора оширади.

ХАЛҚИМИЗНИНГ “ОЛТИН ФОНДИ”

Этибор қилсангиз, Президентимизнинг ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини, тақлифларини тинглаши, баъзиларини ўша жойнинг ўзидаёқ ҳал



ЁШЛАР КУНИДА ЎТГАН
УЧРАШУВДА ЭСА
НАВҚИРОН АВЛОД
ВАКИЛЛАРИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ИЛМ-
ФАН, РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР,
САНЪАТ, СПОРТДА ҚўЛГА
КИРИТАЁТГАН ЮТУҚЛАРИ,
ИНТИЛИШЛАРИ
ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ
УЛАРГА ЎЗ МЕХРИНИ ВА
ИШОНЧНИ БИЛДИРДИ.

этиб, баъзиларини ҳукумат дастурларига киритиш, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишнинг қонуний базасини такомиллаштириш юзасидан аниқ ва ҳақиқат топширилари бериши аёнана тусини олди. Мисол учун, жорий йилнинг бошида (14 февралда) ҳам давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқотда бўлиб, меҳнат бозорига кириб келаётган 600 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш, интилишларига шароит яратиш, тадбиркорликка жалб қилиш, камбағалликдан чиқишнинг энг самарали ечимини – таълимни ривожлантириш масалаларига урғу берган эди. Ёшлар кунинда ўтган учрашувда эса навоқирон авлод вакилларининг замонавий илм-фан, рақамли технологиялар, санъат, спорт соҳаларида қўлга киритаётган ютуқлари, интилишлари эътироф этилди. Президентимиз уларга ўз меҳрини ва ишончини билдирди. Шу билан бирга истиқболли кадрлар тайёрлашни янги босқичга чиқариш, ёшларни касбга йўналтириш, улар учун янада кенг имкониятлар яратиш юзасидан муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

– Биринчи ва иккинчи Ренессанс буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатини сизларга бермоқда. Ишончингиз комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз. Сизлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, бугун ёшларимиз билан чин маънода фахрлансак, арзийди. Ўтган йили ўзбекистонлик йигит-қизлар “ТОП-500” талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Бугунги кунда 30 нафар ёшларимиз дунёдаги “ТОП-10”, 500 нафари “ТОП-100” ва 1 минг 500 нафари “ТОП-300” дан жой олган нуфузли университетларда ўқимокда. Ёки футбол бўйича миллий терма жамоамиз тарихда илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган ўша қувончли кунни эслайлик.

Юртимизда йўлга қўйилган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 325 минг ёшлар ўқитилди. Математика, физика, кимё ва ахборот технологияларига ихтисослашган кўплаб мактаблар ташкил

этилди. Ўтган йили 150 мингдан зиёд йигит-қиз халқаро тил сертификатларини олди ва бу 2023 йилга нисбатан 2 баравар кўп.

Шу сингари залворли натижалар, табиийки, жаҳон ҳамжамиятининг диққатини тортмоқда. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ёшлар – 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторига киргани, Ёшлар тараққиёт индексида мамлакатимиз ушбу соҳада энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлат деб топилгани сўзимиз исботи.

НАЖОТ – ТАЪЛИМДА

Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозирги кунда жамиятимизда ёшларимиз дуч келаётган, уларнинг кайфиятига, моддий-маиший аҳволига, ҳатто қараш ва тутумларига таъсир қилаётган муаммолардан бири ишсизликдир. Зотан, бу муаммо замонавий технологиялар глобал меҳнат бозорига шиддатли таъсир кўрсатаётган аини замонада ҳатто ривожланган давлатларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Учрашувда жорий йилда айнан ёшларимиз учун 35 миллиард долларлик 8 минг 300 та лойиҳа орқали 292 мингта иш ўрни яратилаётгани, яна 500 мингта иш жойини очиб имконини берадигани 83 миллиард долларлик лойиҳалар режалаштирилаётгани, натижада “яшил” иқтисодиёт, саноат, энергетика, геология, муҳандислик ва бошқа соҳаларда минглаб мутахассисларга талаб юзага келиши қайд этилди.

Тарихий ҳақиқат шуки, ҳар бир даврда ва ҳар бир давлат тараққиётга илм-фан, маърифат йўлидан борган. Шу маънода таълимни ривожлантириш стратегик мақсадларимизни рўйга чиқаришда, мамлакатимиз нуфузини ошириш ва халқимизнинг, давлатимизнинг келажаги ёруғ бўлишида ҳал қилувчи омил экани маълум.

Президентимиз ўз нутқида бу ҳақида тўхталар экан, аниқ мақсадли вазифаларни санаб ўтди. Жумладан, Миллий дастур асосида ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчи танланиб, Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби дунёнинг нуфузли олийгоҳларига тайёрланади. Шундан камиди 300 нафари эҳтиёжманд оила фарзандлари бўлади.

Нуфузли хорижий олийгоҳларга қираётган барча ёшлар ҳам 100 фоизлик грант олиш имкониятига эга эмас. Шу боис энди “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан “ТОП-300” талик олийгоҳга кирганларнинг ўқиш ва яшаш харажати қоплаш тизими янги тартибда ишлай бошлайди.

Энг аввало, илм-фан, технология, муҳандислик ва математика, энергетика, транспорт, урбанизация, архитектура, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги каби драйвер соҳалар учун квоталар оширилмоқда. Энди банклар “ТОП-300” талик олийгоҳга кирган ёшларга 20 минг долларгача имтиёзли кредит беради.

Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича банк-молия, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва энергетика устувор йўналиш сифатида белгиланиб, 100 та лойиҳа амалга оширилади. Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури ишга туширилади. Массачусетс технология институтининг сунъий интеллект таълим дастури асосида информатика ўқув дастурлари янгиланади. Вилоятлардаги информатика ўқитувчилари Янги Ўзбекистон университетиди ушбу дастурга ўқитилади. “Рақамли авлод қизлари” танловига бу йил камиди 50 минг нафар қизлар қамраб олинади.

Стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизим яратилиб, уларни молиялаштиришга 145 миллион доллар венчур сармоя киритилди. Бу маблағ 1 миллиард долларга етказилиши, мактабларда ўқувчилар учун “моҳирлик ва бизнес соати” киритилиб, уларнинг ғоясини стартапга айлантиришга 100 миллиард сўм грант йўналтирилиши кутилмоқда.

Энди саноат, сервис, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигида банд ёшларнинг касбий ривожланишига ҳам кўмаклашади. Тармоқ раҳбарлари ҳар йили ўз тизимидаги 100 нафар ёшни селекция қилиб, хорижга стажировкага юборишни йўлга қўяди.

Мактаб битирувчилари ҳамда талабаларнинг бандлигини таъминлаш учун Алоқабанк ва Миллий банк “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 100 минг нафар йигит-қизларни, “Келажакка қадам” орқали 140 минг олийгоҳ битирувчисини даромадли иш билан таъминлашга масъул бўлади. Бандлик вазирлиги, Савдо-саноат палатаси Миллий банк билан бирга олийгоҳ, техникум, касбий таълим битирувчиларини иш берувчилар билан боғлайдиган платформани ишга туширади. “Ҳаракатда даромад” электрон тизими яратилиб, таътилдаги 3 миллион ёшлар

малака талаб этмайдиган ишларга жалб қилинади.

Истиқболли кадрлар тайёрлаш доирасида Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида “Келажак лидерлари” дастури бўйича ҳар йили 100 нафар салоҳиятли ёшлар ўқитилади. Улар вазир ва ҳокимларга бириктирилиб, тажриба ортиради, хорижга стажировкага юборилади. Дастурни тамомлаган ёшлар раҳбарлик лавозимларига асосий номзод бўлади.

–Бизнинг бебаҳо бойлигимиз ҳам, келажак учун энг катта инвестициямиз ҳам ёшлар десак тўғри бўлади, – дея давлатимиз раҳбари ёшларни илм олишга, янги-янги ғояларни беришга, кашфиёт ва лойиҳаларни яратишга ундаб, уларни шахсан қўллаб-қувватлашга тайёрлигини айтди.

Бу сўзлар замирида ҳаётда катта-катта мақсадларни қўйиб, ўз кучи, билими,

тафаккури билан дунёга юзланаётган ёшларимизга нисбатан юксак ишончини, меҳр ва ғамхўрликни ҳис қилмаслик мумкин эмас!

Ёшлар кунинда Халқаро конгресс марказида ёшларнинг турли соҳалардаги лойиҳалари, кашфиёт ва ютуқлари тақдими ҳам ўтказилди. Президент иштирок этган бу тақдимот ёшларимизнинг замонавий муҳандислик, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, хунармандлик, санъат йўналишларида креатив ғоялари билан жадал илгарилаб бораётганини яна бир қарра тасдиқлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 июндаги фармони ва қарорига мувофиқ, бир гуруҳ илгор йигит-қизларга “Келажак бунёдкори” медали ҳамда “Мард ўғлон” давлат мукофоти тантанали топширилди.



**Мухиддин НИЗОМИДДИНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим
мудир:**

–Бугун юртимизда ҳар бир йигит-қизга етиб борадиган, унинг ҳаётини ўзгартиришга қаратилган тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, мамлакат бўйича 9 мингдан ортиқ маҳаллада ёшлар етакчилари фаолият юритиб, уюшмаган ва муаммоли тенгқуларимизга, ука-сингилларимизга ҳар тарафлама кўмак берилмоқда. “Ёшлар бизнеси” ва “Келажакка қадам” дастурлари орқали 240 мингга яқин йигит-қизнинг даромадли бандлигини таъминлаш учун Алоқабанк ва Миллий банкка 300 миллион



**Хусниддин ИСМОИЛОВ,
ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши
раиси:**

–Ўзбекистон ХДП Қўқон шаҳар кенгаши таркибида ёш аъзолар сони айни пайтда



**Бадриддин НАСРИЕВ,
ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши
раиси:**

– Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш сиёсати мутлақо янги босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашувда иқтисодиётимизнинг раванқ топиши, мамлакатимизга йирик сармоялар кириб келаётгани замирида ёш авлоднинг кучи, ақл-заковати ва ютуқлари ётганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, илм-фан, таълим, ИТ, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги муваффақиятлари билан халқаро ҳамкорларимиз этиборини

доллар маблағ ажратилди. Республикада фаолият юритаётган 15 мингга яқин ўқув маркази ва 7,5 мингта касбга тайёрлаш муассасалари юздан ортиқ имтиёз ва энгилликлардан фойдаланмоқда.

Бу сингари бекиёс имкониятлар ёшларнинг ҳаётда, жамиятда ўрнини топиши учун кенг эшик очмоқда. Уларга яратилаётган шароитлар “халқ хизматидаги давлат” тамойилининг амалий ифодаси, десак янглишмаймиз.

Давлатимиз раҳбари маҳалла раислари, ҳокимлар, вазирлик ва идоралар раҳбарларига мурожаат қилиб, ёшлар билан ишлаш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Маҳаллада ҳар бир бола тақдири, унинг орзу-интилишлари, муаммолари, касбга қизиқиши жиддий ўрганилиши кераклиги яна бир бор эслатилди. Бу борада ёшлар билан доимий мулоқот платформаларини йўлга қўйиш, мактаб, техникум, олийгоҳ, касб марказлари, тадбиркорлар ҳамкорлигида амалий ёрдамлашиш вазифаси қўйилди. “Бу ишлар кампаниябозлик бўлмаслиги, ўзгаришларни ҳар бир маҳалладаги ҳар бир ёш ҳар кунини чуқур ҳис қилиши зарур. Ана шунда Янги Ўзбекистонда таълим олмаган, ишсиз, касб эгалламаган, уюшмаган ёшлар деган тушунча бўлмайди”, – деди Президент.

Бугун биз, ёшларнинг олдимизда турган вазифалар шарофати, ғоятда масъулияти. Фақат ҳаракат, фидойилик ва таълим бизни юксак марраларга олиб чиқади.

4 минг 243 нафарга етди. Бу вилоят миқёсида жуда катта сиёсий салоҳиятдан далолат беради. Ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш эса фаолиятимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолади. Шу мақсадда партия доирасида мунтазам ўқувлар, сиёсий тренинглар ва давра суҳбатлари ташкил этиш, маҳаллий Кенгашлар, фракциялар ва қўмиталарда ёшларнинг кенг иштирокини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Президентимизнинг 30 июнь кунини учрашувда билдирган фикрлари, ўртага ташлаган ғоя ва тақлифлари бундан кейин ҳам ёшлар билан самарали ишлашимизда, уларни янги ислохотлардан четда турмай, юрт ривожини учун ўз салоҳияти билан ҳисса қўшишда олижаноб мақсад сари рағбатлантиришда дастуруламал бўлиши шубҳасиз. Асосийси, ҳеч бир ёш ўз муаммоси билан қолиб кетишига йўл қўйилмайди.

қозонаётган ёшларимиз энг қимматли бойлигимиздир.

Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва сергайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам тараққий эттиришнинг энг муҳим шартин ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан сўнги йилларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, йигит-қизларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтиришга, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рағбатлантиришга, шунингдек, уларни юксак маънавиятли, зукко, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида вояга етказишга жиддий ёндашилмоқда.

Ёшлар кунини муносабати билан фаол ва ташаббускор навоқирон авлод вакилларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани уларнинг ота-оналари, устозлари, янгилари қаторида барчамизни қувонтирди. Ҳа, бу ёшлар – бугунимиз ва эртанимизнинг ҳақиқий давомчиларидир.

**Фарида МАҲҚАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Душанба куни сиёсий партияларнинг фракцияларида кўриб чиқилган, баъзилари томонидан рад этилган қонун лойиҳалари ҳам палата мажлиси кун тартибидан ўрин олди. Бу фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги билан боғлиқ табиий жараён бўлиб, натижа овозлар сонига қараб белгиланади. Яъни, ҳар бир партия ўз электорати, дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, масалага ёндашади. Қонун ижодкорлари эса ўз лойиҳасини қаттиқ ҳимоя қилади. Қизиғи шундаки, баъзида депутатлар ҳам улар томонига ўтиб олгандек, лойиҳа ташаббускорларини қўллаб-қувватлайди ва қарши чиққан депутатлар фикрига акс мисоллар билан қонун аҳамиятини исботлашга уринади. Ваҳоланки, айрим қонун лойиҳалари устида узоқ ишлаш, ҳатто қайта ёзишга эҳтиёж бўлади. Кеча ҳам аини ҳолат кузатилди.

ФРАКЦИЯ НЕГА ЛОЙИҲАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМАДИ?

Келинг, дастлаб партиямиз фракцияси эътироз билдирган қонун лойиҳасининг мазмуни ва нега рад этилганига оид масалаларга тўхталсак. Дала четларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизимини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидан фойдаланувчилар, ижарачи ва иккиламчи ижарачилар учун жарима жорий этилишини ҳам назарда тутмоқда.

Хусусан, дала четларидан фойдаланувчилар, ижарачи ва иккиламчи ижарачилар томонидан дала четларида, шунингдек, дала четларидаги каналлар, сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари (иригация-мелиорация тармоқлари минтақа зонасидаги ерлар бундан мустасно) атрофидаги майдонларда мақбул экинлар экиш ҳамда йил давомида маҳсулот етиштириш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 7 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши тақлиф этилган.

Фракция йиғилишида депутат Анвархон Темиров қонун лойиҳасидаги айрим нормалар қишлоқ хўжалигида замонавий ёндашувларни жорий этиш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, фермерлар, айниқса, ижарачилар ҳуқуқларини мустаҳкамлашга хизмат қилмаслигини таъкидлаб, лойиҳа Халқ демократик партияси электорати манфаатларига мос келмаслиги ҳақида позиция билдирди.

Яна бир депутатимиз Қизилгул Қосимова лойиҳада назарда тутилган жарима қўллаш амалиётига қарши чиқиб, агентлик жарима қўллашга интилиш орқали кўлига калтак олаётганини, аммо мақсад жазолаш эмас, ердан унумли фойдаланиш бўлиши зарурлигини таъкидлади. Дала четларидан фойдаланувчилар, ижарачиларни жарима қўллаш билан ҳафсаласини пир қилиш эмас, одамларни меҳнатга, натижага рағбатлантириш механизмларини жорий этиш ҳақида ўйлашни тақлиф қилди.

Палата мажлисида фракция аъзоларининг фикр ва мулоҳазалари асосида шакллантирилган қатъий позиция билдирилди.

ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятовнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасини тайёрлашда бир томонлама ёндашувга йўл қўйилган. Натижада фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда ердан фойдаланувчилар учун бир қанча молиявий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли қонун ташаббускорларининг эътибор қаратиши зарур бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтди.

Биринчидан, қонун лойиҳасининг мазмуни фақат талаб белгилаш ва жазолаш бўлиб қолган. Бунда иккинчи томон, яъни, ердан бирламчи ва иккиламчи фойдаланувчи шахсларнинг манфаатлари таъминланишини назарда тутувчи аниқ механизмлар очиб берилмаган.

Мисол учун, лойиҳанинг мазмунига қаралса, фермер хўжалигида 100 гектарлик жой бўлса, шундан 2 гектари дала чети деб

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ЎЗ ПОЗИЦИЯСИДА ҲАМИША ҚАТЪИЙ



ҳисобланади. Айтайлик, шунинг бир гектари объектив ёки субъектив сабабларга кўра, фойдаланилмай қолса, бу ҳолатда 100 гектар майдон жаримга тортилади ҳамда солиқлар уч қарра кўпроқ тўланиши кўрсатилмоқда. Фракция фикрига кўра, бундай ёндашув соҳани қўллаб-қувватлаш ўрнига коррупцион ҳолатларни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, дала четидаги ерларни иккиламчи ижара асосида фойдаланишга олаётганлар, одатда кам таъминланган ёки фермер хўжалиги ходимлари бўлади. Лекин лойиҳада фақат жазолаш чораси акс этиши камбағал оилаларни қай даражада ҳимоя қилиши мумкин, деган саволни очик қолдирмоқда.

Учинчидан, жазолашга оид қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан аввал фермер ва деҳқон хўжаликлари ерларининг қайси қисми дала чети ҳисобланади, деган элементар саволга аниқлик киритилиши лозим. Аммо қонун лойиҳасида бу масалага ҳам жавоб берилмаган.

Фракция аъзоларининг фикрича, ер эгаларини жарималар орқали тўғридан-тўғри жазолаш эмас, балки уларнинг ердан янада самарали фойдаланиши учун қўллаб-қувватловчи нормалар киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Айтиш кераки, бошқа партиялардан ҳам эътироз билдирувчилар бўлди. Муҳокама савол-жавоблар билан узоқ давом этди. Якуний овоз бериш натижалари бетарафлар, овоз бермаган бўлганини кўрсатди. Бироқ қонун лойиҳаси 22 та қарши овоз билан биринчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

ЯГОНА ҲУҚУҚНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Палата мажлисини, фракциялар йиғилишини кузатар экансиз, лўғатимизга янги сўзлар билан бирга янги атама ва қарашлар ҳам кириб келмоқда. Ва буларнинг барчаси қонунчиликда ҳам акс этапти. Ҳафта аввалида бўлиб ўтган қонун лойиҳалари муҳокамаларида бу яна бир бор кўзга ташланди. Масалан, "Ҳуқуқий эксперимент тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан муҳокама қилиниб, мулоҳазалар билдирилди. Лойиҳада ҳудудий ёки соҳавий ниқёсда янги қонунчилик нормаларини тажриба тариқасида жорий қилиш кўзда тутилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бундай ёндашув қонунларнинг ҳаёт билан ҳамбарчас боғлиқ бўлишига хизмат қилиши таъкидланди.

Иккинчи ўқишда моддама-модда

кўриб чиқилган қонунга кўра, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш шакллари ва усуллари, уни ташкил этиш ҳамда ўтказиш шартлари, ҳуқуқий эксперимент натижаларини баҳолаш тартиби, шунингдек, уларни расмийлаштириш бўйича талаблар белгиланмоқда.

Шунинг ўзигина эмас, албатта. Лойиҳада муайян тартиб-таомилни ҳуқуқий экспериментдан ўтказиш вақт, ҳудуд ва шахслар доираси бўйича олиб борилиши, ҳуқуқий экспериментни ўтказиш босқичлари назарда тутилмоқда.

Ташаббускорларнинг сўзларига қараганда, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида келиб тушган тақлиф ва фикрлар эътиборга олинди, лойиҳа матнига зарурий ўзгартиш ва аниқликлар киритилди.

Жумладан, чекланган соҳаларнинг умумий мезонлари аниқлаштирилди. Қолаверса, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган, бекор қиладиган ёки ёмонлаштирадиган экспериментларга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланди.

Бундан ташқари, ҳуқуқий эксперимент ўтказишдаги ваколатли органлар роли кенгайтирилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқлаштирувчи роли ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Давлат органлари ваколатлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий экспериментда иштироки алоҳида бодба акс эттирилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқий экспериментни ташкил этиш, ўтказиш, унинг натижаларини баҳолаш ва жорий этиш бўйича ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашга, турлича талқин ва мураккабликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Палата мажлиси ёки фракция йиғилишини кузатар экансиз, депутатларнинг эътирозлари ҳамда билдирган фикрлари асосли эканини англайсиз. Чунки ҳар битта ўзгариш ортида халқ борлиги инobatга олиниши шартлиги, қонун ҳамма учун бирдек манфаатли бўлиши зарурлиги таъкидланади. Хусусан, Халқ демократик партияси фракцияси қонун лойиҳаларининг ижтимоий аҳамияти ва амалий натижадорлиги юзасидан фикр билдиради. Қонун ташаббускорларининг айбини топиш эмас, улар билан ҳамкорликда камчиликларни бартараф этиш тарафдори эканини тушунтиради. Аини шу шартлар билан яна бир қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга етиб келган.

Биламизки, мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда

қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, ҳуқуқни қўллашда ягона амалиётни таъминлашга тўққинчи қилувчи, коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг ортиқча сарсон бўлишига сабаб бўлувчи айрим нормаларни чиқариб ташлаш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати юзага келяпти.

Шундан келиб чиқиб, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунни "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқлаштириш мақсадида акциядорлик жамияти билан бир қаторда акциядорлар ҳам имтиёзли ҳуқуқ асосида (тўғридан тўғри) сотиб олиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, йиғимларни жорий этиш тартиби фақат қонунларда белгиланиши назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳа билан Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш ваколати Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ўтказилмоқда.

Депутатларнинг тақлифларидан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳаси билан давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан ўрмон фонди ерларини онлайн-ауқцион орқали ижарага бериш тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ фақатгина ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларига нисбатан татбиқ этилиши белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисида ушбу ҳужжат ҳуқуқни қўллашда ягона амалиётни таъминлаш, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилиши қайд этилди.

Юқоридаги ҳар иккала қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва Сенатга юборилди.

Шу билан бирга, мажлисида қурилиш материаллари соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлашдан иборат. Қурилиш ойнасидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган чиқиндиларни қайта ишлаш ва қайта ишлаш харажатларини қоплаш учун утилизация йиғими жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси қурилиш ойнаси сифатини яхшилаш баробарида, маҳаллий ишлаб чиқарилаётган қурилиш ойнаси экспорти ҳажмларини янада ошириш имконини беради.

Мазкур масалада ҳам савол-жавоблар бўлди. Депутатлар утилизация йиғимини жорий этиш билан боғлиқ меъёرنинг қай даражада ўрганилгани билан қизиқди. Чиқиндиларнинг қайта ишланиши энергетика соҳасини ривожлантириши, янги иш ўринлари ҳосил қилиши билан аҳамиятли экани таъкидланди. Бироқ йиғимлар масаласидаги саволларга аниқ жавоблар ҳамда статистик маълумотлар келтирилиши зарурлигига урғу берилди.

Муҳокамадан сўнг лойиҳа концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



Шокиржон АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси

РИЭЛТОРЛИК ВА ЯШИРИН БОЗОР

иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа негизида, лўнда қилиб айтганда, норасмий воситачилар (маклерлар) ни "соядан" чиқариш, яқна тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга "кўчмас мулк бўйича агент" сифатида риэлторлик фаолиятини юритишига рухсат бериш мақсади турибди. Бу эса банкдан ташқари айланмани, шу орқали яширин иқтисодийни қисқартиришда муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, "Ягона дарча" тамойили асосида риэлторлик хизматларини кўрсатиш мақсадида ағчас мулк объектларининг электрон савдосини ҳамда ҳисоб-

китобларни электрон шаклда амалга ошириш (клиринг) имконини берувчи мультилистинг тизимини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Лойиҳа билан риэлторлик фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат бирлашмалари ўрнини кенгайтириш, уларга янги вазифалар ва ваколатлар бериш ҳам тақлиф этиляпти. Риэлторлик субъектларининг тўғри ҳисобини юритиш, улар ҳақида жамоатчиликка очик ахборот етказиш ва самарали мониторингни йўлга қўйиш мақсадида "Ягона реестри" ахборот тизимини жорий қилиш

белгиланмоқда. Яна бир аҳамиятли жиҳати, риэлторлик субъектлари фаолиятида шаффофликни таъминлаш ҳамда ноқонуний амалиётларнинг олдини олиш учун халқроқ ташкилотлар талабларига мос равишда мониторинг олиб борилади. Шунингдек, риэлтор ва кўчмас мулк бўйича агентга риэлторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси доирасида ўз номидаги кўчмас мулк объекти ва унга бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ битимларни тузиш тақиқланмоқда. Мажлисида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига алоҳида эътибор

қаратиб, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича қатор саволларни ўртага ташлади. Қонун ташаббускорлари берилган барча саволлар юзасидан атрофлича тушунтиришлар берди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши риэлторлик фаолияти соҳасида хизматлар сифатини оширишга, соҳада шаффофликни таъминлаб, яширин амалиётларни қисқартиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ХАЛҚНИНГ ҲАҚИҚИЙ "ОВОЗИ"ГА АЙЛАНАДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ВАКОЛАТЛАР ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Шу мақсадда 2024 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилиниб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини "Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким" тамойили асосида ислох қилишга қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилди. Жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш, халқнинг бевосита ихтиёри асосида қарор қабул қилиш талаб этилаётган жами 33 та ваколат маҳаллий Кенгашлар ихтиёрига ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланди.

Шу йил 23 июнда эса ана шу Концепцияни тасдиқлаш тўғрисида Президент фармони қабул қилинди. Концепция билан бир қаторда уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ҳам тасдиқланди.

Хусусан, фармонда маҳаллий даражада халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўйбга чиқариш, жумладан, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини, фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этишига оид демократлаштириш жараёнларини мустақамлаш, ижро ҳокимияти органларининг маҳаллий халқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлигини ошириш, ҳудудий бошқарувни «аҳоли манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида номарказлаштириш, ҳар бир бўғиндаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш, ваколатларини мувозанатли тақсимлаш, ҳудудлараро савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари халқро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш каби асосий мақсадлар ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, маҳаллий Кенгашлар аҳолига энг яқин бўғиндир. Уларга сайланган депутатлар эса қўйида, одамлар орасида бўлиб, уларнинг қувонч ва ташвишлари, ҳудуд муаммоларини нафақат чуқур биладиган, балки ҳал қилиш бўйича таклифларга ҳам эга бўлган халқ вакиллари. Маҳаллий Кенгашлар халқ ва давлат ўртасидаги кўприк, деб бежиз айтилмайди. Шу боисдан ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ташаббускорлигини янада ошириш масаласига эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фармон билан маҳаллий аҳамиятта молик қатор ваколатларни маҳаллий Кенгашларга ўтказиш белгиланди. Ҳозир ҳокимлар ваколатида бўлган давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, дафн этиш жойларини сақлаш қоидаларини тасдиқлаш, дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини белгилаш шулар жумласидан. Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар бандлигини таъминлаш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирара қўйиш, йўлларнинг айрим қисмларида ҳаракатланиш тезлигини ошириш ёки камайтиришга (тегишли йўл белгилари ўрнатиб) рухсат бериш ваколати ҳам Кенгашларга ўтказилмоқда.

МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ҚАРАТИЛГАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Тўғриси, шу кунгача амалиётда аҳоли ва ҳудуд манфаатларига оид баъзи бир ўткир масалаларни ҳал қилишда депутатнинг ва хатто маҳаллий Кенгашнинг ҳам кучи ва ваколати камлик қиладиган ҳолатлар учара турарди. Эндиликда эса ҳудуддаги муаммоларни ечиш бўйича тўрт босқичли "маҳалла еттилиги" – туман (шаҳар) Кенгаши – вилоят Кенгаши – Сенат

“

ДАРҲАҚИҚАТ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР АҲОЛИГА ЭНГ ЯҚИН БЎҒИНДИР. УЛАРГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР ЭСА ҚЎЙИДА, ОДАМЛАР ОРАСИДА БЎЛИБ, УЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ, ҲУДУД МУАММОЛАРИНИ НАФАҚАТ ЧУҚУР БИЛАДИГАН, БАЛКИ ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАРГА ҲАМ ЭГА БЎЛГАН ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ.

тизимини йўлга қўйиш белгиланди. Унга кўра, ҳудудни ривожлантириш дастурларидаги бажарилмаётган масалалар ҳамда аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммолар "маҳалла еттилиги" билан аниқлашиб, туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасида ҳал этиш чораси кўрилади. Бунда республика даражасида ҳал этиладиган ҳудуд манфаатларига оид муҳим масалалар Олий Мажлис Сенати муҳокамасига олиб чиқилади.

Бундан ташқари, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгашларни кенг жалб этиш, назорат-таҳлил тадбирларида ҳам Сенат ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2024 йил 19 ноябрда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида "Кенгашлар депутатлари бу йил фуқаролар билан учрашувларда 22 мингдан ортиқ муаммоларни аниқлаган. Яъни, жойлардаги ҳақиқий аҳволни улар яхши билади. Шундай экан, қонунларни парламент кўмиталарида кўриб чиқишда, вазирлик ва идоралар вакиллари билан эмас, балки маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан кўпроқ иш олиб борилса, албатта адолатдан бўлади." дея таъкидлаган эди.

Бу каби ижобий янгиликлар ҳудудларда ислохотларнинг боришини жадаллаштиришда маҳаллий Кенгашларнинг Сенат билан ҳамкорлигини янада кучайтиришга, ҳудудий муаммоларни Сенат орқали Ҳукумат даражасига олиб чиқиш, ижобий ҳал этиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш амалиётини кучайтириш, жумладан, бир нечта ҳудудга тааллуқли бўлган ижтимоий-иқтисодий, фавқулодда ва техноген ҳолатлар, иқлим ўзгариши ва экологик масалаларни умумий ёндашув асосида ҳал этиш бўйича ўрганишлар олиб бориш ва натижасини қўшма мажлисларда муҳокама қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Бу каби ҳамкорлик механизмларининг татбиқ этилиши, хусусан, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш, бу ердаги экологик инқироз оқибатларини юмшатиш,

мураккаб шароитда яшаётган аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарадорлигини янада оширишга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ОШАДИ

Фармон билан маҳаллий Кенгашларнинг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясига Кенгаш қарори билан лавозимга тасдиқланадиган, тайинланадиган, лавозимга тайинланишида Кенгаш розилиги олинадиган ҳамда Кенгашга ҳисобдор бўлган мансабдор шахсларнинг ҳам одоб-ахлоқ нормаларини бузганлик бўйича ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Биламизки, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид масалаларни назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш ва маҳаллий Кенгашлар сессиялари, доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳлари йиғилишларида муҳокама этиб, тегишли қарорларни қабул қилиш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш, депутатлик сўрови институтлари бугун ўзининг самарасини бермоқда. Шу билан бир қаторда мансабдор шахс ўрнига унинг ўринбосари ёки бўлим бошлиғи ахборот бериши, қонунчиликда белгиланган муддатларда ўз ахбороти ёки ҳисоботини тақдим этмаслиги, тақдим этилаётган ахборот ёки ҳисоботда керакли маълумотларнинг берилмаслиги, депутатлик сўровига ҳам шу тахлитда жавоб қайтарилиши, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари қарорларига масъулиятсизлик билан қараш ҳолатлари учраб туриши ҳам бор гап.

Бундай шароитда ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахсларига нисбатан эгаллаб турган лавозимга нолайиқлиги, интизомий жавобгарликка тортиш бўйича юқори турувчи органга тақдимнома киритиш каби чоралар кўзда тутилмоқда. Албатта, бу маҳаллий Кенгаш қарори билан лавозимга тайинланадиган ёки лавозимга тайинланишида Кенгаш розилиги олинадиган мансабдор шахсларнинг маҳаллий Кенгаш олдидаги масъулияти ошишига олиб келади.

"Кенгаш соати" деб аталувчи янги назорат шаклининг жорий этилиши, яъни, маҳаллий Кенгашларда депутатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахбороти эшитилиши эса депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалий жиҳатдан янада кучайтиради.

ДЕПУТАТЛАР УЧУН ҲАМ ИМКОНИЯТ

Депутат сифатида фармон билан тасдиқланган Концепция ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"да белгиланган қатор аниқ масалалар фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилишини алоҳида эътироф этмоқчиман. Масалан, сайловчи оиласи ёки ҳудуддаги қайсидаюр муаммонинг ҳал этилишида ўзи ишонч билдирган депутатдан умидвор бўлиши табиий. Лекин шундай ҳолатлар қузатиладики, бу муаммони ҳал қилиш алаалоқибат маблағ масаласига бориб тақалади.



Шу ўринда "йўл харитаси"да маҳаллий бюджетлар лойиҳасини шакллантиришда ҳудудлар тоифасидан келиб чиқиб, бюджет харажатларининг 3-5 фоизини бевосита маҳаллий Кенгаш депутатларининг ташаббуси асосида шакллантириш, Сенат билан ҳамкорликда «Сайловчи – депутат – ҳоким – Кенгаш» ўзаро ҳамкорлик тизимининг йўлга қўйилиши жуда аҳамиятлидир. Бу депутатнинг сайловчилари орасидаги обрўси ва ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилишдаги имкониятини оширишга хизмат қилади. Маҳаллий бюджетни шакллантириш жараёнига маҳаллий Кенгаш депутатларини фаол жалб этиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, депутатлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизими яратилади.

Шу билан бирга, ҳудудий дастурларни шакллантиришда депутат ва «маҳалла еттилиги» иштирокининг таъминланиши – бу нафақат имконият, балки масъулият ҳамдир. Чунки дастурга киритилдиган ҳар бир масалани, энг аввало, чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш талаб этилади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси (депутатнинг транспортда текин юриш ҳуқуқи) нормаларини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш белгиланди.

“

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИГА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИ ФАОЛ ЖАЛБ ЭТИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШ, ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ.

Шунингдек, ташкилот раҳбари томонидан ўз ходими бўлган депутатларни маҳаллий Кенгаш сессияси, доимий комиссиялари, партия гуруҳлари мажлисларида иштирок этиши, сайловчилари билан учрашувлар, фуқаролар қабулларини ўтказишга тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслиги, депутатнинг тегишли вилоят, туман ва шаҳар ҳудудида жойлашган, монеликсиз кириши мумкин бўлган корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар доирасини ва уларга кириш тартибини аниқ белгилаш ва бошқалар назарда тутилмоқда. Бу халқ вакилининг ўз депутатлик фаолиятини тўлақонли амалга ошириши учун шароит ва имконият яратлади.

Биз, депутатлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатимизда янги, самарадор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишимизда юқоридаги ўзгаришлар айнаи мудида. Ушбу фармонга асосан маҳаллий Кенгаш депутатларининг масъулияти ҳамда ҳисобдорлигини оширишга доир нормаларнинг киритилгани шу жиҳатдан муҳим ва долзарб.

Албатта, фармонда назарда тутилган мақсад ва вазифалар қанчалар кенг қамровли бўлса, шунчалар аниқ ва пухта. Уларнинг ижроси нафақат маҳаллий Кенгашлар ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти самарадорлигини оширишга, балки ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш жараёнига янги суръат ва натижадорлик бағишлайди.

Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутати.



ҚАШҚАДАРЁ БИРДАМЛИК БИЛАН ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

Қашқадарё она диёримизнинг жанубидаги муаззам вилоят. Қадимдан деҳқончилик, чорвачилик макони, қазилма конлари эса элга ризқ-у рўз, ривож ва равнақ манбаи. Бир сўз билан айтганда, хазина устида барпо бўлган табаррук маъво. Кейинги йилларда бу гўзал ва серхосил маконда ҳам халқимиз тарихини безайдиган, келажакимизни белгилаб берадиган улкан ишларнинг шоҳиди бўлаяпмиз.

Тўла ишонч билан айтиш керакки, бугун вилоятда кўплаб соҳаларда ўсишга эришилди. Замонавий корхоналар ишга тушмоқда, шаҳар-у қишлоқлар обод бўлиб, тасаввур қилмаган баланд иморатлар қад ростлаб, одамларнинг турмуш даражаси ҳам шунга мос равишда юксалмоқда.

19 июнь куни Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи давомида ҳар бир фикр, берилган топшириқ, тавсиялари замирида ҳам инсон манфаати устуворлиги, турмуш шароитини яхшилаш мақсадлари мужассас бўлди. Бу галги ташриф ҳам сермаҳсуллиги билан вилоят аҳлини қувонтиргани таъкидланмоқда.

Президентимиз Қашқадарёнинг саноат салоҳияти билан танишди. Қарши шаҳридаги "Alp techno servis" корхонасида бўлди. Қарши шаҳридан Шаҳрисабзга кетаётган поездда қашқадарёлик фаоллар билан самимий мулоқотда бўлди. Шаҳрисабз шаҳридаги кўп тармоқли кардиология маркази фаолияти билан танишди. Яққабоб туманида барпо этилган "Янги Ўзбекистон" массивини бориб кўрди. Шаҳрисабз тумани Ҳисор тоғи ён бағридаги сайёҳлик салоҳияти билан танишди. Шаҳрисабз туманидаги "Ҳисорак" сув омбори яқинида барпо этилган Ҳисорак кичик гидро электр станциясини кўздан кечирди. Кўкдала тумани маъмурий марказидаги улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Буларнинг барчаси узокни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳаётдаги ёрқин ифодаси, деб биламан. Албатта, бу галги ташриф ҳам Қашқадарё тарихида янги саҳифаларни очишига ишонаман. Юртбошимизнинг вилоятимиз билан боғлиқ ҳар бир қарори, ҳар бир саяё-ҳаракати, жон куйдириши одамларимиз қалбини фахр ҳамда ғурурга, эртанги кунга ишончга тўлдирди. Бундай самимий учрашувлар, очик мулоқот жараёнлари, режалаштирилаётган тарихий лойиҳалар ҳар бир хонадонга ўзгача меҳр, ифтихор олиб кирди, десам муболаға бўлмайди.

20 июнь куни Кўкдала туманида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказилди. Ютуқлар эътироф этилиб, қилиниши лозим бўлган ишлар чуқур таҳлил қилинди. Мутасаддиларга аниқ натижаларга хизмат қиладиган вазифалар белгилаб берилди.

Қайд этилдики, Қашқадарёда ишга солинмаган камиди 15 миллиард долларлик салоҳият бор. Бу имкониятларнинг учдан бири лойиҳага айланган ҳолда ҳам, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотини келгуси беш йилда бемалол 10 миллиард доллардан ошириш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг нутқини тинглаб, вилоятдаги ўзгаришлар, ислохотлар бирма-бир хаёлимдан ўтди. Сўнгги йилларда мактабгача таълим ва мактаб таълими соҳасида кўлами кенг ислохотлар олиб борилди.

Мактабгача таълим ташкилотлари 2016 йилда 326 та эди, қамров даражаси атиги 13 фоиз бўлган. Ҳозирги кунда уларнинг сони 4000 тадан ортди ва қамров даражаси 70 фоизни ташкил этмоқда. Йил якунига қадар бу кўрсаткич 80 фоизга етказилади.

Тараққиёт таълимдан келади. Ушбу соҳадаги ўзгаришларни кўриб, кузатиб, ҳар бир юртдошимиз эртанидан кўнгли тўқ яшамоқда.

Одамлар кўнглига розилик солиб, қадрини баландлатаётган бундай ютуқ ва муваффақиятларни кўплаб санаш мумкин.

Мухими, уларнинг ҳеч бири тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, йилдан-йилга янада кенг қулоқ ёзмоқда.

Масалан, 2017 йилга нисбатан 2024 йилда саноат 3,6 мартага, қурилиш 5,5 мартага, хизматлар ҳажми 7,4 мартага, қишлоқ хўжалиги 3,0 мартага ўсди.

Давлат раҳбари томонидан ушбу йўналишларда янги ташаббус ва ғоялар илгари сурилгани эса аҳолининг ислохотларга хайрихоҳлигини янада оширмоқда.

Айтайлик, 13 та тумандаги 6 минг гектар ерда помидор етиштириш йўлга қўйилади. Вилоятда 1,3 миллион гектар яйлов ва ўрмон ерлари мавжуд. Энди улардан самарали фойдаланиш учун алоҳида компания ташкил қилинади. Тўқимачилик соҳасида 400 миллион долларлик 35 та лойиҳа бошланади. Жорий йил ип-калавани қайта ишлаш 51 фоизга, келгуси йили 100 фоизга етказиш чоралари кўрилади.

Умуман айтганда, бугун Қашқадарё аҳли ана шундай улкан ва эзгу мақсадлар билан яшамоқда. Режалар катта, агар биз ғайрат қилсак, меҳнат қилсак, жон куйдирсак, ҳаммасини қила оламиз. Фақат ҳафсала ва ҳаракат керак эканлигини тушуниб етдик. Албатта, барчасида Президентимизнинг қўллаб-қувватлаганликлари бизга куч бағишлайди, мотивация берди.

Вилоятимизда аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалар ҳар биримизда дахлдорлик ва масъулиятни янада оширди.

Аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш учун 7 минг 700 та хонадонли уйлар барпо этилади. Бу йил 183 километр сув ва канализация тармоғи, 8 та сув иншооти қурилади. Йигит-қизларни "Ёшлар бизнеси" дастурига, олийгоҳ битирувчиларини "Келажакка қадам" дастурига қамраб олиб, тадбиркорлик ва бандлигига кўмаклашиш вазифаси қўйилди.

Бу нимадан далолат беради? Табиийки, ишлаб чиқариш кўпайиши, борлари ўз фаолиятини кенгайтириши, минглаб иш ўринлари яратилиши учун хизмат қилади. Демак, ишлайман, иш ўрни яратаман, деган кишиларни қўллаб-қувватлаш, тармоқлардаги турли бюрократик тўсиқлар қўйилишини назорат қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласидаги вазифалар ижросини доимий равишда ўрганиб бориш, умуман, халқ ичида бўлишимиз зарур.

Ишсиз фуқаролар хорихий тилларга ўқитилиб, юқори даромад берадиган мамлакатларга ишга юборилади. Аукционда сотиладиган 120 дан ортик объект ва 400 гектар ер негизида корхоналар ташкил этиб, 70 минг иш ўрни очил чоралари кўрилади.

Қаранг, қанча имконият. Бир замонлар одамларимиз ишлайман, тадбиркор бўламан, деган мақсад билан ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар олдида кунлаб, ойлаб муаммолари билан ўралашиб юрарди. Тўсиқлардан, қоғозбозликлардан чарчаб, раҳбарлар эшигини тақиллатавериш жонига теккандан қанча одамлар ишини охирига етказмай қўл силтаган ҳолатлар кўп эди. Ҳозир вазият тамомила бошқача. Қўлидан иш келадиган одамлар қўллаб-қувватланади, ҳаракат қилган одам энди кам бўлмайди.

Албатта, буларнинг барчаси ислохотлар одамлар ҳаётига кириб бораётганини англатади. Энг муҳими, азим Қашқадарёнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш учун катта тизим яратилади. Бу тизимнинг ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда самарали ишлаши халқимизнинг турмушига, минглаб рўзгорларга таъсир қилади. Кучли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жараёнда фаол иштирок этишни бурчимиз, деб биламиз.

Январ ИНОЯТОВ,
Қашқадарё вилоят ҳокими
маслаҳатчиси.



ЭЪТИРОФ

СЎЗИ КЕСКИР, ҚАЛАМИ ЎТКИР



2004 йил сентябрь.
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Журналистика факультетининг мўъжазгина биноси. Талабаликнинг илк кунлари. Катта шаҳарнинг салобати, нотаниш кўчалар, янги одамлар. Бироз ҳаяжон ва ҳадик бор қалбимизда.

Айнан ўша кунларда курсдошлар бир-биримизни танидик, ўргандик, озми-кўпми билдик. Жуссаси кичик, лекин дадиллиги, қатъияти, ўзига ишончи "юраги катта"лигини яққол кўрсатиб турган Лазиза Шерова билан танишувим ҳам ўша пайтларга тўғри келади. Мана, кўз очиб-юнгунча шунга ҳам 21 йил тўлибди.

Лазиза тўрт йиллик таҳсилни тамомлагач, ота юрти – Бухорога қайтиб кетди. Бир неча йил вилоят телевидениесида, сўнг Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашида фаолият юритди. Аммо уни ҳаммиша Тошкент ўзига чорлайверарди. Талабаликнинг олтин даврларига гувоҳ бўлган шаҳарни Лазиза кўп куттирмади. 2011 йилдан у "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририятида ишлай бошлади. Янги

жамоа, янги ташвишлар...

Лазиза тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан қисқа фурсатда таҳририят жамоасида каттаю кичикнинг ҳурмати қозонди. Газета саҳифаларида пайдар-пай босилаётган мақолалари орқали куюнчак, ўзига хос қалами бор журналист сифатида танилди. Бу орада оила қуриб, икки ижодкор бир-бирига елкадош бўлди. Қийинчиликларни енгиб, турли синовларни ортда қолдирган ёш оила 4 кишилик бахт кўрғонига айланди. Лазизанинг ҳаётида ўз орзуларидан, истақларидан ҳам устунроқ мақсадлар пайдо бўлди. Ва бу фарзандлар камоли, истиқболини кўриш, уларнинг келажаги учун замин ҳозирлашдек ширин ташвишлар қаҳрамонимизнинг умр дафтарини безаб келмоқда.

Лазизани доим компьютер қаршида, иш устида кўрамыз. Доим ёзиш билан, ижод билан банд. Унинг мақолаларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги қизғин жараёнлар тафти, жамиятдаги ютуқлар-у муаммоларга ҳолисона ёндашув буй кўрсатиб туради.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

муносабати билан Президентимиз фармонида кўра, бир гуруҳ журналистлар сафида "Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудир Лазиза Шерова "Шухрат" медали билан мукофотланди. Буни қарангки, ушбу хабарни эшитганда ҳам, қадрдонимиз билан бирга эдик. Кўзларидан порлаган хурсандчилик, қалбидида ҳаяжонга қарамай, ўзини жуда босиқ ва камтар тутиши унинг юксак инсоний фазилатлар соҳибаси эканидан далолат беради. Йиллар давомида игна билан қудуқ қазиб, ҳеч бир манфаатсиз меҳнат қилган ижодкорнинг эътироф этилиши бутун жамоани хурсанд қилди, ҳақиқий байрам кайфиятини улашди.

— Журналистика – жамиятнинг юраги. Бу шунчаки "уриб" турмаслиги, жамиятдаги жараёнлар, ўзгаришлар ва, албатта, камчиликлардан акс-садо бериб туриши керак, - дейди Лазизанинг ўзи. – Тўғри, касбимиз жуда машаққатли. Шундай пайтлар бўладики, тезкорликда ахборот тайёрланади, шундай пайтлар бўладики, бир рақам ортидан ўнлаб инсонлар билан боғланишга тўғри келади. Лекин одам касбини яхши кўрса, иши ҳеч қачон машаққат туғдирмайди.

Аксинча, янада шашт билан меҳнат қилишга ундайди.

Давлат мукофотини олган кўплаб ҳамюртларимиздан интервью олганман, ҳис-ҳаяжонлари ҳақида суҳбатлашганман. Бирок инсон ўз бошидан ўтказиб кўргач, бунинг нима эканини қалбан англай экан. Очиғи, тақдирларини пайтида юрагимда жўш урган туйғуларни сўз билан изоҳлаб бўлмайди. Фақат айтишим мумкинки, бу юксак ишонч кучимга куч, ғайратимга ғайрат кўшди. Мақсадларим, забт этишни истаган марраларим юксалди. Бир журналистнинг мукофоти барча ижодкорларга қаратилган эътибор ва уларнинг меҳнатига берилган баҳо, деб биламан.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" мўхбири.

НУҚТАИ НАЗАР

Ижтимоий давлатда сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлади?



Ғолибжон МАХМАДУДЖАНОВ,
сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори.

Замонавий талқинга кўра, ижтимоий давлат биринчи галда фуқаролар учун белгиланган минимал фаровонлик ва тенг имкониятларни таъминлайди. Бундай давлатда аҳолининг ҳар бир қатламга ғамхўрлик қилинади, инклюзив ривожланиш ва ижтимоий адолат тамойиллари устувор бўлади. Ижтимоий давлат концепцияси илк бор XIX аср охирида илмий муомалага кирган бўлса-да, ҳозирги даврда у дунё давлатлари Конституцияларида мустақкам ўрин олмоқда.

Ижтимоий давлатни барпо этишда сиёсий партияларнинг роли ва амалий тажрибасини турли давлатлар мисолида кўриш мумкин. Европадан то Осиё давлатларигача партиялар турли тарихий шарт-шароитларда ижтимоий давлат ғоясини олға суриб, уни амалда жорий этишга интилган. Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 20-моддасида Германия демократик ва ижтимоий федерал давлат экани белгиланган. Шу боис бу ўлкада турли сиёсий қарашларга эга партиялар ижтимоий давлат тамойилларига содиқ бўлиб келади.

Швеция дунёдаги энг тараққий этган ижтимоий давлат моделларидан бири сифатида танилган. Бу моделни шакллантиришда мамлакатдаги Социал-демократик ишчилар партияси (SAP) ҳал қилувчи роль ўйнаган. Шу асосда Швецияда дунёнинг энг қамровли ва адолатли фаровонлик давлатларидан бири барпо этилди – болалар нафақаси, уй-жой субсидиялари, умумий соғлиқни сақлаш, барча учун пенсия таъминоти, бепул таълим каби чора-тадбирлар кенг жорий қилинди.

Япония конституциявий жиҳатдан ўзини социал давлат деб атама-да, Конституциясининг 25-моддаси давлат зиммасига аниқ ижтимоий мажбуриятларни

юклайди. Унда “ҳар бир одам соғлом ва маданий ҳаёт учун зарур бўлган минимал шароитларда турмуш кечириш ҳуқуқига эга. Ҳар бир соҳада давлат ижтимоий фаровонлик ва хавфсизликни кенгайтириш учун ўз сазой-ҳаракатларини амалга оширади”, деб кўрсатилган.

Сиёсий партиялар жамиятнинг турли қатлам манфаатларини ифода этувчи ва давлат сиёсатига интеграция қилувчи институт сифатида ижтимоий сиёсатни шакллантиришнинг бош субъекти ҳисобланади. Ҳар бир партия ўзининг мафкуравий йўналиши ва электорати интилишларидан келиб чиқиб, фаровонликни таъминлаш мақсадида ижтимоий тақдирни тақдир қилади. Шу тарзда парламент ва ҳукуматдаги партиялар рақобати натижасида амалий ижтимоий сиёсат қарор топади.

Ижтимоий тенглик ва адолатни қарор топтириш учун партиялар парламентда қонун ва дастурларни илгари суриб, ижтимоий ислохотларга ҳуқуқий асос яратди. Масалан, иш ҳақининг минимал миқдорини белгилаш, солиқлар орқали қайта тақсимот, бепул тиббий хизмат ва таълимни жорий этиш каби чоралар фақат сиёсий ирода орқали амалга ошди. Бу борада партиявий позициялар фарқланиши мумкин: сўл марказчилар, социал-демократлар одатда давлатнинг ролини ошириб, турмуш сифатини

яхшилаш тарафдори бўлса, ўнг либерал ва консерваторлар бозор механизмлари орқали фаровонликка эришишга мойилроқ. Лекин охири-оқибат, уларнинг барчаси маълум даражада аҳолининг турмуш даражасини оширишга ҳисса қўшади.

Партиялар ижтимоий қатламлар ўртасида воситачидир. Масалан, ишчи-хизматчилар, тадбиркорлар, зиёлилар – буларнинг ҳар бири ўз манфаати ва муаммоларига эга. Мана шу гуруҳлар партиялар орқали сиёсий жараёнга таъсир ўтказиши мумкин. Қолаверса, мазкур сиёсий ташкилотлар давлатнинг ижтимоий сиёсатини назорат ва таҳлил қилишда ҳам муҳим ўрин тутди. Муҳолифат партиялари ҳукуматнинг ижтимоий соҳадаги хатолари ёки эътибордан четда қолаётган масалаларни кўтарар экан, уларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқади ва ислохотларнинг амалий натижадорлигига интилади.

Асосий қонунимизда белгилаб қўйилганидек, Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсади – ҳар бир фуқарога ғамхўрлик қилиш, инклюзив ривожланиш ва аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашдир. Бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда сиёсий партиялар фаол иштироки ва рақобатини кучайтириш зарур.

Ҳаракатдан ташқарида эмас, амалда ижтимоий ташаббуслар

тизимини шакллантириш керак. Партиялар фақат сайловолди ваъдалар билан чекланиб қолмасдан, доимий равишда жойларда амалий ижтимоий ташаббусларни илгари сураётган сиёсий кучга айланиши шарт. Масалан, партиялар ўз фракциялари орқали парламентда янги қонун лойиҳаларини киритиши, давлат бюджети муҳокамасида ижтимоий харажатлар улушини ошириш ҳақида кескин тақлифлар бериб бориши айна мудио.

Яна бир масала илмий таҳлил ва мутахассисларни жалб қилиш механизминини шакллантириш билан боғлиқ. Партияларнинг ижтимоий йўналишини мустақкамлаш учун малакали экспертлар, соҳа мутахассислари билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш зарур. Ҳар бир партия ҳузурида “Ақл маркази” (think tank) вазифасини ўтовчи таҳлилий гуруҳлар фаолият юритиши мумкин. Бу гуруҳлар мазкур йўналишда хорижий тажрибани ўрганиб, мамлакатимиз шартига мос ижтимоий ислохотлар бўйича тақлифлар тайёрлайди.

Хулоса қилсак, Янги Ўзбекистон ўз олдига ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуришдек улғу мақсадни қўймоқда. Бу сиёсий партиялардан муҳим харажатлантурувчи куч ва таянчга айланиши тақозо этади.

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИ



Табиатнинг мунгли ҳайқирғи



Шақина ЖҲРАЕВА,
ЎзДЖТУ ўқитувчиси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Тасаввур қилинг. Гўзал тоғ ён-бағридасиз, нафис ҳиди уфуриб турган гиёҳлар узра капалаклар ўйноқлаб учяпти. Бир ёнингизда жилвагар сой шарқираб оқмоқда. Сув шунчалар шаффоқки, остидаги ҳар бир тошнинг рангию шакли яққол кўриниб турибди. Осмонда қушлар эркин парвоз қиляпти. Узоқда она оху болалари билан ўтлаб юрибди. Майин эсган шаббодада дарахт барглари сирли тебранди. Атрофингиздаги бу бетакрорлик ва сизнинг орангиздаги уйғунликка, илоҳий яқинликка раҳна солувчи тўсиқ йўқ. Бироқ шу пайт узоқдаги улкан иншоотнинг кўкка чўзилган мўриларидан чиқаётган тутунга кўзингиз тушади. Бу иншоотга яқинлашганингиз сари нафасингиз қисади, қуруқ йўтал тутта бошлайди. Автомашиналар-у тезорар поездларнинг овози қўлоғингизга чалиниб, табиат ва сизнинг ўртангиздаги яқинлик тумандай тарқаётганини сезасиз. Ён-атроф бирдан қоронғу, совуқ, бефайз манзара касб этади...

Она табиат мувозанатини гўёки биргина нозик ип тортиб туради. Ҳар бир элемент – сув, ҳаво, тупроқ ва

кўёш, инсон, яхлит олам бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Аммо сўнгги йилларда инсонларнинг чек-чегарасиз хоҳиш-истаклари бу мувозанатни муттасил равишда бузиб келмоқда. Она табиат инсон нафсининг қурбонига айланмоқда.

АСРИЙ МУЗЛИКЛАРНИНГ ҲАЛОКАТЛИ КЕЛАЖАГИ

Ер юзидаги музликлар – Антарктида, Гренландия ва Ҳималай тоғларидаги улкан муз қатламлари миллион-миллион йиллик тарихни ўзида мужассамлантирган улкан қоялардир. Аммо бугунги кунда бу асрий музликлар фақат иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари, атмосферанинг ифлослашуви, озон қатламининг емирилиши натижасида юзага келаётган мислсиз хавф-хатарларга, инсоният ҳаёти ва тақдирига нисбатан таҳдидга айланиб бормоқда.

Германиядаги Потсдам иқлим таъсирини ўрганиш институти олимлари тоғ музликлари, Гренландия, Фарбий Антарктида ва Арктика музлари эришининг иқлимга таъсирини ўрганиб, инсон омили ва саноат корхоналари ҳавонинг нормадан 1,5°C исишига сабаб бўлаётгани ҳақида узил-кесил хулосага келдилар. Музларнинг эриши эса глобал иқлимни меъёрдагидан яна 0,43°C даражага иситиб юборар экан. Эриётган музликларнинг бешдан бир қисми Арктика ҳиссасига тўғри келади. Бу нафақат сув сатҳининг кўтарилишига, балки иқлимнинг тобора исишига олиб келади.

Музликларнинг эриши – бу бир неча минг йиллик тоғларнинг мунгли кўз ёши, жўшқин дарёлар борган сари ихчамлашиб, шўрланиши ва Ер юзида қурроқчилик юзага келиши ҳақидаги дардли ҳайқирғи демакдир. Тасаввур қилинг, бир пайтлардаги улғувор муз қоялари ўрнида энди фақат яланғоч тошлар ва сув кўлларигина мунғайиб турибди. Ҳа, инсоният ўз қўли билан ўз келажагига ураётган болтанинг орғиқли зарбларини ҳозирданоқ сеза бошлади.

КЎРИНМАС ХАВФ

Атмосфера ҳавосининг илиқлашуви глобал исишнинг асосий кўринишидир. Бунда бутун Ер шарни маҳобатли, чексиз фазони қамраб олган ва димиққан иссиқхонага айланади. Натижада

иссиқхона газлари, хусусан, карбонат ангидрид (CO₂) ва метан (CH₄) атмосферада тўпланиб, кўёш нурларини ушлаб қолади ва Ерни меъёридан ортиқча иситади. Ўсимлик дунёсидан тортиб, курт-қумурсқалар, паррандаю даррандалар – жами тириклик хавф остида қолади.

Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг (IPCC) хисоботида кўра, 1850 йилдан буён глобал ҳарорат ўртача 1,1 даражага кўтарилган. Бу рақам бир қарашда кичик кўринса-да, унинг оқибатлари анча ҳалокатли. Мутахассислар атмосфера ҳавоси 3-4 даражага ошса, Ер шарининг қайсидир минтақаларида бутун-бутун шаҳарлар сув остида қолиб кетишини, чўллашиш жараёни тезлашишини хавотир билан таъкидламоқдалар.

Масалан, минтақамизда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда ҳароратнинг ошиши ва сув ресурсларининг камайиши қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиётга жиддий таъсир кўрсатапти. Иқлим ўзгариши ҳодисаси экологик таназзулгина эмас, у ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва трансгегаравий инқирозларни келтириб чиқариши яна бир хатарли жиҳатдир.

САВОЛЛАР КЎП...

Ўрмонларнинг кесилиши, урбанизация ва қишлоқ ҳўжалигининг кенгайиши атмосферанинг илиқлашуви ҳамда музликлар эришини янада кучайтирди. Масалан, Амазон ўрмонларининг 20 фоизидан ортиги инсонлар томонидан йўқ қилинди. Денгиз сатҳининг кўтарилиши эса Мальдив, Бангладеш ва бошқа айрим мамлакатлардаги қирғоқбўйи ҳудудларни сув остида қолдиримоқда. “2050 йилга бориб 150 миллион одам иқлим муҳожирига айланиши мумкин”, дейилади БМТнинг Инсон тараққиётига доир маърузасида.

Бирок сабаблар фақат глобал миқёсдагина эмас. Ҳар бир шахсининг ҳаёт тарзи – автомобилдан фойдаланиши, табиий ресурсларни ҳаддан зиёд ортиқча истеъмол қилиш ва маиший чиқиндилар ҳам айна жараёнга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: инсон нафсининг чегараси борми? Ўзимиз ҳам табиатнинг бир бўлаги эканлигимизни тушунамизми? Биз ҳар биримиз ўзимизни ислох қила оламизми? Кўзимиз қачон очилади, очилганда кеч бўлмасмикин? Саволлар кўп, жавоблар эса...

УМИД НАФАСИ

Вазият оғир бўлса-да, умид ҳали бор. Дунё миқёсда иқлим ўзгаришига қарши глобал ва маҳаллий даражада чоралар кўрилаётгани бунга далил. Халқаро ва минтақавий ҳамкорлик масалалари, нуфузли халқаро ташкилотларнинг экологик лойиҳаларни молиялаштириши бу йўлдаги йирик қадамлардан бири бўлмоқда.

Мазкур соҳада Ўзбекистонда маълум бир натижага эришиш, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси самарадорлигини ошириш мақсадида ҳукумат, хусусий сектор, фуқаролик жамияти ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шуниси аниқки, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш фақат техник ёки молиявий ислохотлар билан эмас, балки давлат бошқаруви сифатининг ошиши, фуқаролик жамияти институтлари ва, энг муҳими, кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки билан амалга оширилади. Бунда экологик тарбия, экологик маданият, ҳар бир фуқаронинг ўзига ўзи мажбурият юклаши ва масъулият ҳисси муҳим роль ўйнайди. Мазкур мақсадга эса таълим, фан ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, шу орқали аҳоли онгини ошириш орқали эришилади.

Музликларнинг эриши ва атмосфера ҳавосининг илиқлашуви – бу нафақат бутун дунёни қамраб олган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий хавф, балки инсоният бошига келган ахлоқий-маънавий синов ҳамдир. Бизнинг ҳар бир қароримиз, ҳар бир ҳаракатимиз келажак авлод учун аҳамиятга эга.

Бу борадаги кичик бир қадам – бир ойда бир неча кун машина ўрнига пиёда юриш ёки велосипед ҳайдаш, дарахт экиш ёки чиқиндиларни дуч келган жойга ташламаслик, маиший ҳаётда ичимлик сувини тежаш, электр энергиясидан ортиқча фойдаланмаслик – буларнинг барчаси инсоният олдига турган мисли кўрилмаган инқирознинг олдини олишга ёрдам бериши тайин. Демак, ҳамма гап ўзимизда.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Тахлилларга қараганда, ушбу кибержиноятлар сохта ҳаволалар юбориш орқали тасдиқловчи кодни қўлга киритиб, карта бошқарувини эгаллаш йўли билан, онлайн савдо платформаларида товар ва хизматлар учун тўловни амалга оширишга эришиш орқали содир этилмоқда. Шунингдек, телефон кўнғироқлари орқали банк карта бошқарувини тасдиқловчи кодни қўлга киритиш, шахсларни сохта крипто-биржаларга қизиқтириш ва пул ўтказишга эришиш орқали, хориждан мерос ёки пул юборишни ваъда қилиб, почта харажатларига тўлов сифатида пул ўтказиш натижасида амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2024 йилда мамлакатда 132 298 та жиноят содир этилган. Киберхавфсизлик йўналишида 58,8 мингта жиноят содир этилган бўлиб, уларнинг 97,7 фоизи фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пулларни қўлга киритиш билан боғлиқ. Кибержиноятлар оқибатида фуқароларнинг 1 триллион 909 миллион сўмдан ортиқ маблағи талон-торож қилинган. Афсуски, булар кичкина рақамлар эмас.

Яна бир муҳим маълумот. Кибержиноятларнинг асосий қисмини (98 фоизи) банк карталари билан боғлиқ жиноятлар (киберўғрилиқ ва киберфирибгарлик) ташкил этмоқда.

Рақамлардан кўриниб турибдики, бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кибержиноятчиликка қарши курашиш долзарб муаммолардан биридир. Мақсади ўғрилиқ бўлган бундай фирибгарликка асосан ёши катталар, телефонга келадиغان ҳар хил файлларнинг формати билан таниш бўлмаганлар алданиб қоляпти.

Кибержиноятларнинг турлари ва ушбу жиноятни содир этаётган шахслар сони ортиб бораётгани янги таҳдидлар юзага келиши билан изоҳланмоқда.

Чунки, бу нафақат шахсий фойдаланувчилар, балки глобал корхоналар ва давлат инфратузилмалари учун ҳам жиддий хавф тўғрилади. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйлаб ҳар 11 сонияда бир "ransomware" ҳужуми амалга оширилади. Яъни, товламачи компьютердаги файлларни шифрлайди ва файлларни тиклаш учун тўлов талаб қилади. Бу эса компанияларга миллионлаб доллар зарар ва операцион тўхталишларга олиб келади.

Бундан кўриниб турибдики, киберхужумларнинг мақсади тобора кўпроқ ижтимоий ва иктисодий ҳаётнинг муҳим жиҳатларига қаратилмоқда. Демак, киберхавфсизликка қарши курашиш ва ҳуқуқий химоя тизимларини кучайтириш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала.

СОХТА ВА ВИРУСЛИ ҲАВОЛАЛАР ОРТИДА ЯШИРИНГАН ФИРИБГАРЛИК

Киберхавфсизлик — компьютер тармоқлари ва тизимларини рақамли ҳужумлардан химоя қилиш усули. Ушбу ҳужумлар вируслар, зарарли дастурлар, фишинг фирибгарликлари ва бошқалар кўринишида бўлиши мумкин.

Бир неча йиллар аввал уяли телефонларга "... йўлда машина бузилиб, Қамчик доводнида қўлиб кетдим. Менга сизнинг ёрдамингиз керак. Телефонингизга озроқ пул ташлаб юборинг" деган мазмунда СМС-хабарлар келарди. Бу фишингнинг дастлабки тури эди. Кейинроқ ахборот технологиялари ривожланиб, ижтимоий тармоқлар оммалашгач, фирибгарлар улarga кўчди.

Сохта ва вирусли ҳаволалар яратиб, электрон почталар, Телеграм мессенжерлар орқали содда одамларни "қармоғи"га ила бошлади. Телефон фирибгарлик ҳам бор, бунда улар исталган фуқарога кўнғироқ қилади ва ўзини банк ходими деб таништириб, "қартангиздан пул ўғирланган, паролени берсангиз сақлаб қоламиз", деб алдайди.

Кўп ҳолларда шахсий маълумотлар ўғирланишида одамларнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолимоқда. Фуқароларга номаълум ҳаволаларга кирмаслик, нотаниш кимсаларнинг кўнғироқларига жавоб бермаслик ёки гапларига ишонмаслик тавсия қилинишига қарамай, бунга амал қилмаслик оқибатида банк пластик картасидаги пулларидан айриллаётганлар қанча.

Ҳаттоки, давлат идоралари ҳам бундай кибер "ҳужум"лардан холи эмас. Фирибгарлар идораларнинг электрон почталарига хавфли ҳаволаларни юбориши, девонхона ходимлари билмаган ҳолда ушбу ҳаволани очиши оқибатида ташкилотнинг маълумотлари тарқалиб кетиши мумкин.

Киберхужумлар жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, молиявий йўқотишлар, маълумотларнинг бузилиши ва хатто жисмоний зараргача. Шунинг учун ҳар бир инсон аввало, ўзи, оиласи ва бизнесини фирибгарлар тузоғидан асраши, киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўриши жуда муҳимдир.

ТЕЛЕГРАМДАГИ ФИРИБГАРЛАРДАН ХАВФЛИ СОВҒАЛАР

Ҳойнаҳой сизга ҳам Telegram Premiumдан 1 йиллик муддатга Telegram Premium обунаси совға сифатида юборилди, деган мазмундаги ёзувли хабар билан бирга сохта ҳавола юборилган



ТЕЛЕФОНДАГИ

ТУЗОҚ



бўлса керак. Телеграм мессенжери орқали яқинларингиз томонидан сизга шундай совғалар тақдим этилаётган бўлса, буни текшириб кўриш лозим. Бўлмаса фирибгарларнинг навбатдаги ўлжасига сиз айланишингиз мумкин.

Ушбу схема қўйидаги тартибда ишлайди: фойдаланувчи тегишли шахс ёки қариндошдан Telegram Premium йиллик обунаси сифатида совға ҳақида хабар олади. Уни фаоллаштириш учун хабарга бириктирилган ҳаволага ўтиш керак. Хабар ишонарли қўринганлиги сабабли, фойдаланувчи ҳеч нарсдан гумонланмасдан ҳаволага ўтади.

Очилган саҳифада Telegram ҳисобига боғланган телефон рақамини ва рақамга келган тасдиқлаш кодини киритиш сўралади. Бу маълумотлар киритилгач, фирибгарлар фойдаланувчининг маълумотларига тўлиқ эга бўладилар ва дарҳол фойдаланувчи контакт рўйхатидаги барча шахсларга шунга ўхшаш хабарларни юбора бошлайдилар. Жўнатилган хабарлар чат тарихидан автоматик равишда ўчирилади, бу эса уларни аниқлашни қийинлаштиради.

Бундан ташқари, ҳисобга кириш даврида фирибгарлар фойдаланувчининг шахсий маълумотларига, шу жумладан, боғланган банк карталари ва электрон ҳамёнлар билан операциялар ўтказиш имкониятларига эга бўлишади.

Кенг тарқалган фирибгарлик турларидан бири бу нишондаги одамларнинг смартфонига зарарли APK форматдаги дастурга ўхшаш файл юборилишидир. Бу орқали фирибгарлар унинг телефонидаги SMSлар, пластик карта уланган дастурлар бошқарувини қўлга олади ҳамда пулларни ўз ҳисоб рақамига ўтказишади.

Яна бир тузоқ ҳақида. Сизга 1000 долларлик "iPhone" ни 1 долларга харид қилиш имкониятини беришади. Сиз кўрсатилган ҳавола орқали рўйхатда ўтиш талаб қилинадиган фишинг сайтга кирасиз. У ерда рўйхатдан ўтиш асносида банк карта рақамингиз, CVV рақамингиз, халқаро тўлов тизимларида 3-D secure рақамларни киритишингиз сўралади. Сиз ушбу маълумотларни киритасиз ва пуллар йўқола бошлаганини кўрасиз.

Шунингдек, тахлилларга кўра, фирибгарлар кўп ҳолларда интернет орқали олди-сотди қилинадиган сайтлар воситасида ҳам сотувчиларни алдаб, уларнинг қартасидаги пулларни ечиб олишмоқда.

ОДАМЛАР ҚАНДАЙ АЛДАНАДИ?

Сизга банкнинг рақамига ўхшайдиган 71-370, 78-711 каби рақамлардан кўнғироқ қилишади. Ўзини банк хавфсизлик хизмати ходими, деб таништиради. Ҳозир тизимда айрим носозликлар кузатилаётгани ва тизим қайта юкланиб, сизнинг пулларингиз сақлаб қолиниши учун банк карта рақамни мобил банкнингга кўйган паролингизни айтишингизни илтимос қилишади. Сиздан шу каби маълумотлар олинган, ҳисобингиздаги пуллар сонияларда ғойиб бўлади.

Афсуски, SMSда келган махфий кодни бировга айтиб пулидан айрилган шундай одамлар юзлаб, минглаб топилади.

Яқин бир танишим бошидан ўтган воқеани сўзлаб берди:

- Оиламиз аъзоларидан бири чет эл сафаридан келаётганлиги боис, уни кутиб олиш учун аэропортга чиққандим, - дейди Элёр Очилов. - Йўлда пайтимида бир йигит телефон қилиб, мен Click хизматиданман. Сизнинг мобил телефонингизга ўрнатилган Click тўлов хизмати номаълум сабабларга кўра яхши ишламаяпти, сизга SMS хабар жўнатамиз, унинг кодини айтиб юборсангиз, носозлик сабабини ўрганиб,

бартараф қилиб берамиз, деди. Шундан сўнг SMS хабар келди ва унинг рақамини айтдим. Кейин улар яна телефон қилишди, бу код сизга адашиб кетиб қолибди, ҳозир сизга яна SMS орқали бошқа код жўнатамиз, шу рақамни бизга айтиб юборасиз, дейишди. Шу заҳоти код келди ва мен уларга айтдим. Уларнинг хизматига раҳматлар ҳам айтибман.

Чет элдан келган оила аъзозимни уйга олиб келдим ва бозорлик қилиш мақсадида магазинга чиқдим. Зарур бўлган барча нарсаларни олиб кўлдан сўнг, тўлов учун пластик картамни узатдим. Сотувчи йигит бир менга, бир олган нарсамга ҳайрат аралаш қаради-да, ўзи қартангизда етарли пул бормиди, қартангизда арзиманган қанчадир минг сўмни кўрсатмоқда, деганида устимдан кимдир муздек сув қўйгандек бўлди.

Пластикимда 5 миллион сўмга яқин пул бор эди, дедим. Шунда сотувчи йигит менга қараб пластик қартангизнинг кодини кимгадир айтганимдингиз, деб сўради. 3 соат олдин бўлган воқеани айтиб бердим. Ҳаммаси тушунарли, сиз замонавий ўғрилларнинг тузоғига тушибсиз. Ҳозирроқ ички ишларга мурожаат қилинг, деди.



ФИРИБГАРЛАР, ОДАТДА, БИР ХИЛ СЦЕНАРИЙ БЎЙИЧА ИШ ТУТАДИ. БИЛМАСДАН ГЎШАКНИ КЎТАРИБ, ГАПЛАШКА БОШЛАСАНГИЗ ВА КЕЙИНРОҚ ҚАЙТАРИБ КЎНҒИРОҚ ҚИЛАМАН ДЕСАНГИЗ, УЛАР РОЗИ БЎЛМАЙДИ, "ТЕЗРОҚ КЕРАК", "ҲОЗИРОҚ", "КЕЙИН ТУШУНТИРАМАН" КАБИ СЎЗЛАР БИЛАН ШОШИЛТИРИШГА, ВАҲИМАГА СОЛИШГА УРИНАДИ.

Магазиндан чиқиб, менга кўнғироқ қилган рақамга қайта-қайта боғланишга уриндим. Рақам ўчирилган экан.

Ички ишлар ходимларининг айтишича, кўплаб киберфирибгарлик ҳолатлари чет элдан туриб амалга оширилмоқда. Ўзлаштирилган пул маблағлари ҳам электрон ҳамёнлар орқали хорижга чиқиб кетмоқда.

Яна бир ҳолат. Яқинда кўшним ўз уйини ижарага бериш учун OLX.UZ га эълон жойлади. Нотаниш рақамдан кўнғироқ бўлиб, уйни ижарага олмоқчи эканлигини, OLX.UZ мобил иловасидаги эълон бўйича карта маълумотларини сўрайди. Соддаликданми ёки билиб-билмайми унга барча маълумотлар, SMSда келган махфий кодлар айтади.

- Анчадан бери қайнота-қайнонамнинг нафақа пулларини, хўжайимнинг ойликларини бир картага ййғаётган эдик. Уйдан қарзимиз бор эди, шуни бермоқчи эдик. Лекин фирибгарлар тузоғига илиниб, 130 миллион пулдан айрилиб ўтирибмиз. Кейин билсак, бу фирибгарлик Россиядан туриб амалга оширилган экан. Бу кам сумма эмас, анча пайт ўзимга келолмадим. Мол аччиғи жон аччиғи, дейди-ку, - деб хўрсиниб қўйди Диффуза опа.

Кўриниб турибдики, кўпчилик ҳолатларда фуқаролар хўшёр бўлмагани сабаб фирибгарлар бундан устамонлик билан фойдаланмоқда. Кибержиноятлар ортишига асосий сабаблардан бири

аҳолида молиявий саводхонлик етишмаётгани билан боғлиқ.

Банк ходимларининг айтишича, агар фирибгар паспорт маълумотларингизни бехато айтиб берса ҳам, у банк хизматчиси бўлиб қолмайди. Чунки банкнинг ҳақиқий ходимида телефонда сўралаётган маълумотлар аллақачон мавжуд. Фирибгарлар, одатда, бир хил сценарий бўйича иш тутлади. Билмасдан гўшақни кўтариб, гаплаша бошласангиз ва кейинроқ қайтариб кўнғироқ қилман десангиз, улар рози бўлмайди, "тезроқ керак", "ҳозирроқ", "кейин тушунтираман" каби сўзлар билан шошилтиришга, ваҳимага солишга уринади. Фирибгарликни аниқлаш учун уларни сценарийдан ташқарига чиқишга ундаш керак. Дарҳол банк рақамига кўнғироқ қилиб аниқлик киритиш ҳам мумкин.

ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Жамол АЧИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

- Шу йилнинг 30 апрель куни давлатимиз раҳбарининг "Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, ўз кундалик фаолиятини ташкил этишда мижозларнинг манфаати ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг устувор вазифаси сифатида кўрсатилди.

Шунингдек, кибержиноятни содир этишда ўз номидаги банк картаси, банк ҳисобрақами, SIM картаси ҳамда электрон ҳамёнидан фойдаланишга йўл қўйган шахслар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланади.

Марказий банк томонидан аҳоли пул маблағларини жалб қилишга қаратилган фирибгарлик схемалари ("молиявий пирамида") аломатларини аниқлаш ҳамда улар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тезроқ хабар бериш тизими йўлга қўйилади.

Ҳар ой якуни бўйича тизимида энг кўп кибержиноятлар қайд этилган банклар ва тўлов ташкилотлари рўйхати оммага эълон қилинади.

Шунингдек, қарор билан банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига киберхавфсизлик чораларини кучайтириш вазифалари юклатилди. Бу борадаги қонунбузарликлар учун жазо чоралари кучайтирилди.

Қанчалик хавфсиз тизим яратилмасин, фирибгарликни касб қилиб олганлар ўйлаб топган ижодкорлик тузоғини олдидан билиш қийин. "Синалмаган отнинг сиртидан ўтма", деган нақл бор. Ҳамма гап, киберсаводхонликка бориб тақалаверади. Аввало, одамларимизнинг ўзи хўшёр ва огоҳ бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.

ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан банк ва тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда шубҳали (фрод) амалиётларнинг олдини олиш мақсадида масъул ходимларнинг билим-малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.

Пойтахтимизда ана шундай тадбирлардан бири регулятор томонидан "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирга тижорат банклари, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари ходимлари таклиф қилинди.

Семинар давомида мамлакатимиз банк тизимида киберхавфсизликнинг таъминланганлиги ҳолати, бу борада сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, тижорат банкларида қўлланилаётган антифрод тизимларининг самарадорлиги, молиявий жиноятларнинг олдини олиш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси, ташқи кибертаҳдидларга тезкор жавоб қайтаришга мўлжалланган замонавий дастурий ечимлар юзасидан ўзаро фикр ва

тажриба алмашилди. Марказий банк вакили бугунги қунда фирибгарлар томонидан фуқароларга етказилаётган молиявий зарарнинг қўламадан келиб чиқиби, кибержиноятни содир этишда ўз номидаги банк картаси, СИМ карта ҳамда электрон ҳамёндан фойдаланишга йўл қўйган шахслар ("дроп"лар) учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганини маълум қилди.

Марказий банк ва "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ҳамда "Deloitte", "Cisco", "Check Point", "CrowdStrike", "Turan Security" халқаро ва маҳаллий компаниялар экспертлари кибертаҳдидлар, шунингдек, банк карталари билан боғлиқ фирибгарликларнинг олдини олишга бағишланган тақдиротларини намойиш этди.

Йил сайин ривожланиб бораётган онлайн форматдаги банк ва тўлов хизматларини миқозларга нафақат қулай, балки хавфсиз қилишда экспертларнинг мана шундай тартибдаги ўзаро тажриба алмашинуви айни зарурат экани таъкидланди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!



320 ЙИЛЛИК ЁҒОЧ ДАРВОЗА

Деновнинг кунботар томонидаги тоғ этакларида "Сумбула" деган ажойиб қишлоқ бор. Худуднинг ҳайвонот олами ўзгача, наботот дунёси ҳавас қилгулик. Соё бўйларида оқ саксовул, черкез, тароқбош, янтоқ, юлғун, жийда, терак, қиёқ ўсади. Кенгликларда илон, жайра, бургут, тулки, лочин, калхат, қирғовул, каклик, тустовуқ, булбул кенг тарқалган бўлса, серсув ирмоқ ва дарёларда балиқларнинг ноёб тури учрайди.

Қадимий маконда 320 йиллик ёғоч дарвоза борлигини эшитиб, йўлга чиқдик. Шерикларимиздан бири асрлар билан "юзлашган" буюмни тезроқ кўриш истаги пайдо бўлганини таъкидласа, бошқаси бундай нодир топилма борлигини инкор қилди. Хуллас, шов-шув ва миш-мишларга ишониб-ишонмай, айтилган манзилга етдик.

– Эллик тўққиз ёшдаман, – дейди "Сумбула" қишлоғида яшовчи Усмон Рустамов бизни илиқ қарши оларкан. – Ота-боболаримиз деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланган. Нишолда-ю ҳолава пиширадиганларгача бор орамизда. Касб-хунар ортидан рўзгорлар овод, кўнгишлар хотиржам, турмушимиз фаровон. – Ўтмишдан мерос бўлиб қолган ноёб дарвозани кўргани келгандик, – дейман хонадон соҳибига аяландик. – Тўғриси айтсам, икки табақали эшик мендан анча улғу, 320 ёшда, – гурунгни

давом эттиради мезбон. – Эни 1 метр-у 70 сантиметр, баландлиги 2 метрдан (2 метр 18 сантиметр) ортиқ. Кўндалангига 4 та темир тасма ўтган. Ўртасида занжир ва айлана ҳалқа ўрнатилган. Ундан беш авлод вакиллари (Ортиқбой, Худойназарбой, Кароматулло, Рустамқул, Султонқул) фойдаланишган.

– Асрларга гувоҳ бўлган буюм ҳақида яна нималарни биласиз? – қизиқамиз бирваракайига.

– Дарвоза арчадан тайёрланган. Биласиз, арча ҳам тут, ёнғоқ, чинор дарахтлари каби узоқ яшайди. Ёғочи пишиқ ва қаттиқ бўлади. Бунга ясашиш учун бобокалонимиз (Ортиқбой бобо) хонжизалик устага бир ман (тахминан 164 килограмм) майиз берган экан. Жиҳоз юз йилликлар силсиласида бироз оҳорини йўқотган бўлса ҳам, биз учун азиз ва қадрли.

– Агар харидор чиқса, сотасизми? – сўраймиз мезбондан.

– Президентимиз ташаббуслари билан 2024 йилда "Сумбула"га "Туризм қишлоғи" мақоми берилди. Қисқа даврда Россия, Хитой, Корея, Япония, Франция, Индонезия, Афғонистон ва бошқа хорижий давлатлардан меҳмонлар келишди. Асрларни ортада қолдирган дарвоза кўпчилиқда қизиқиш уйғотяпти. Бундай азиз буюмни асло сотиш ниятимиз йўқ. Бўёғига давомчиларимиз авайлаб-асраса, бўлгани!..

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



ИҚТИСОДИЁТ

ОЛТИН ЭКСПОРТИ ОШМОҚДА

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь-май ойларида Ўзбекистон олтин экспорти ҳажми 6,49 миллиард долларга етган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54,8 фоизга кўп бўлиб, мазкур қимматбаҳо металл мамлакат экспортининг деярли 44 фоизини ташкил этмоқда.

Шу ўринда айтиш мумкинки, беш ойда олтин нархи 25,5 фоиз — унцияси учун 2624 доллардан 3292 долларгача ошган. Дунёдаги геосиёсий беқарорлик (хавфсиз актив сифатида олтинга талаб ортиб бормоқда), АҚШ сайловлари ва бож сиёсати ҳамда АҚШ Федерал захира тизими фоиз ставкаларини пасайтиргани фонида бу йил қимматбаҳо металллар нархи кескин кўтарилди.

Бундан ташқари, дунёда олтин қазиб олиш бўйича тўртинчи ва Ўзбекистоннинг энг йирик солиқ тўловчиси бўлган "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ 2024 йилда олтин қазиб олиш ҳажмини 5,4 фоизга ошириш ва рекорд даражадаги (7,4 миллиард доллар) даромадга эришди.

Маълумот учун. Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг баёнотида кўра, олтин нархининг беқарорлиги нархлар юқори бўлганда харажатларга инфляция босим ва нархлар паст бўлганда харажатларни қисқартириш хавфини келтириб чиқаради, бу эса макроиқтисодий тебранишларни кучайтиради. Шу боис Ўзбекистонга олтин

нархи ўзгаришининг давлат харажатларига таъсирини минималлаштириш тавсия этилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлат молиси олтин нархининг ўзгаришига сезгир ва бу каби ўзгаришлар бюджетни беқарорлаштириши мумкин. Хусусан, олтин нархи кўтарилса, экспорт кўпроқ даромад келтиради. Бюджетда кўпроқ пул пайдо бўлган, бу давлат харажатларининг ошишига олиб келиши мумкин. Аммо бундай ўсиш вақтинчалик бўлиши ва инфляция босимини келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас.

Fitch Ratings: Ўзбекистонда ўзгаришлар ижобий
Fitch Ratings халқаро рейтинг

агентлиги Ўзбекистоннинг хорижий валютадаги узоқ муддатли дефолт рейтинги (IDR) ни "BB-" дан "BB" даражасига кўтарди. Эътиборли жиҳати, рейтинг прогнози "Барқарор" деб белгиланди.

Fitch агентлиги баёнотида кўра, ушбу ҳолат Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ бўлиб, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, мамлакатнинг тузилмавий кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилмоқда. Асосий ислохотлар қаторида тарифларни либераллаштириш, субсидияларни оптималлаштириш, давлат муассасалари мустақиллигини кучайтириш ва хусусийлаштиришни рағбатлантириш чора-тадбирларини келтириш мумкин.

Халқаро мутахассислар Ўзбекистонда реал ЯИМ 2025-2026 йилларда 6,3 фоизга ўсишини прогноз қилмоқда. Бу "BB" (3,8 фоиз) рейтингига эга мамлакатлар учун ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқори. Фискал барқарорлик ва субсидияларни қисқартириш Молиявий интизом рейтингининг ошишига хизмат қилган муҳим омиллардан бири бўлди. 2024 йилда консолидациялашган

бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 3 фоиздан биров кўпроғини ташкил этди, бу эса белгиланган 4 фоиз мақсадли даражадан паст ҳисобланади. Қайд этилишича, бу солиқ тушумларининг сезиларли даражада ошиши ва энергетика соҳасидаги субсидия харажатларини икки баравар қисқартириб, ЯИМнинг 1 фоиздан камроққа тушириш ҳисобига амалга оширилди.

Агентликнинг алоҳида таъкидлашича, захираларнинг ўсиши асосан олтин нархининг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу мамлакат валюта захираларининг қарийб 77 фоизини ташкил қилади.

Fitch томонидан давлат қарзи (давлат кафолатлари инобатга олинмаган) ҳажми 2025-2026 йилларда ялли ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 32 фоиз атрофида сақланиши прогноз қилинган, бу "BB" рейтингли мамлакатлар ўртачаси бўлган 54 фоиздан анча паст.

Мамлакатда инфляция пасайишда давом этмоқда. 2025 йил май ойида инфляция йиллик ҳисобда 9 фоиздан кам бўлди (2025 йил март ойида – 10 фоиз). Бу асосан хизматлар соҳасида нархлар пасайиши ҳисобига юз берган.

ЎЗБЕКИСТОН БАНК СЕКТОРИ БАРҚАРОР ВА ЎРТАЧА РЕНТАБЕЛЛИККА ЭГАЛИГИ ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН. 2024 ЙИЛ ОХИРИДА БАНКЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИ (ROE) 7 ФОИЗ, КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИ ЭСА 17 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ТОБОРА КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН БАНК ИСЛОХОТЛАРИ, ДОЛЛАРЛАШУВНИНГ КАМАЙИШИ ВА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ УЛУШИ ПАСАЙИШИ МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ВА КРЕДИТЛАШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИНИ КУЧАЙТИРАДИ.

Бир сўз билан айтганда, Fitch суверен рейтингини ошиши Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини, давлат бошқаруви сифатининг яхшиланиши ва мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги халқаро даражада эътироф этилаётганини аңглатади.

Т.ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАХРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 637. 1530 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda